



9 “ О К Т Я Б Р Ъ ” 2017 й. г. № 807

Тошкент ш. – г. Ташкент

Навоий вилоятининг Нурота туманидаги “Чашма” тарихий-меъморий мажмуасини комплекс реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Навоий вилояти Нурота туманининг маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, ижтимоий-маданий ва туризм салоҳиятининг ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Навоий вилояти Нурота туманининг “Чашма” тарихий-меъморий мажмуасини (кейинги ўринларда Мажмуа деб аталади) комплекс реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек унинг худудидаги маданий мерос объектларини таъмирлаш ва реставрация қилиш ишларини амалга оширишга доир комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мажмуа худудидаги:

а) маданий мерос объектларини реконструкция ва реставрация қилиш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси – буюртмачи этиб;

“Маданий мерос ЛИТИ” МЧЖ – бош лойиҳачи ташкилот этиб;

б) кўшимча куриладиган объектлар, Мажмуа атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича:

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси – буюртмачи этиб;

“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК – бош лойиҳачи ташкилот этиб белгилансин.

Мазкур объектлар бўйича бош пудратчи ташкилотлар ўрнатилган тартибда танлов натижаларига кўра аниқлансин.

3. Белгилансинки:

Мажмуани комплекс реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Мажмуа худудидаги маданий мерос объектларини реконструкция ва реставрация қилиш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига ҳар йилги Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. 2017 йил 1 декабрга қадар Мажмуани комплекс реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини лойиҳалаштириш ишлари билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилишига истисно тариқасида руҳсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда Комплекс чора-тадбирларга киритилган объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини, уларнинг экспертизадан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишларини молиялаштиришни ўз вақтида амалга оширсин ҳамда ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилсин.

6. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Мажмуа худудини комплекс реконструкция қилиш мақсадида худуддаги кўчмас мулк объектлари эгалари бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга уларнинг ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан, уларга белгиланган тартибда бошқа худуддан ер участкаси ажратиш ва пул компенсацияларини тўланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги “Ўзқурилишматериаллари” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ билан биргаликда Навоий вилояти ҳокимлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Мажмуа худудидаги бузилаётган кўчмас мулк объектлари эгаларига талаб этиладиган металл, цемент, ойна ва шифер материалларини тўғридан-тўғри шартномалар ҳамда тартибга солинадиган нархлар асосида ўрнатилган тартибда ажратилишини таъминласин.

Навоий вилояти ва Нурота тумани ҳокимликлари ажратилган металл, цемент, ойна ва шифер материалларини Мажмуа худудидаги бузилиши белгиланган кўчмас мулк объектлари эгалари бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилишини ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш бўйича масъул этиб белгилансин.

8. Навоий вилояти ва Нурота тумани ҳокимликлари Нурота шаҳрининг бош режаси ва меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ Мажмуа худудида ташкил этиладиган савдо, хизмат кўрсатиш ва хунармандчилик объектларини қуриш учун тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини истисно тариқасида тўғридан-тўғри ажратилишини таъминласинлар.

9. Навоий вилояти ҳокимлигининг Нурота туманидаги маданий мерос объектларини ва уларга туташ худудларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақланишини таъминлаш мақсадида Нурота тумани ҳокимлиги ҳузурида давлат унитар корхонаси шаклидаги “Чашма” тарихий-меъморий мажмуаси дирекциясини (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Навоий вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

Дирекция устави ва ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

Дирекцияни давлат рўйхатидан ўтказилишини, давлат мулкидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини ва уни малакали мутахассислар билан бутланишини таъминласин.

10. Комплекс чора-тадбирлар ижросини таъминлаш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2018 йилларда Навоий вилоятининг Нурота туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2017 йил 25 мартдаги 157-сон қарори билан тасдиқланган Республика ишчи гуруҳи зиммасига юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари билан биргаликда Мажмуа ҳудудида замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда миллий ҳунармандчилик объектларини барпо этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳани амалга ошириш доирасида лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин ҳамда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура ва қурилиш назоратини ўрнатсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов, Навоий вилояти ҳокими Қ.Б.Турсунов ва Нурота тумани ҳокими Ж.Ж. Ҳамраев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Навоий вилояти Нурота туманининг “Чашма” тарихий-меъморий мажмуасини комплекс реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек унинг ҳудудидаги маданий мерос объектларини таъмирлаш ва реставрация қилиш ишларини амалга оширишга доир
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбалари	Қиймати, млн.сўм	Амалга ошириш муддати	Бажариш учун масъуллар
1	Мажмуа ҳудудидан кўчириладиган кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ва кўчириш ишларини ташкил қилиш.	<p>1. Кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ва рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Бузиладиган кўчмас мулк объектларини баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш.</p> <p>3. Бузиладиган кўчмас мулк объектлари эгаларига бошқа ҳудуддан ер майдони ажратиш.</p> <p>4. Кўчмас мулк объекти эгаларига пул компенсацияларини тўлаш ва кўчириш ишларини ташкил қилиш.</p>	<p>Республика бюджети маблағлари</p> <p>Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан</p>	<p>10 млрд. сўм</p> <p>5 млрд. сўм</p>	<p>1 ноябрь 2017 й.</p> <p>1 апрель 2018 й.</p> <p>2018-2019 йиллар</p> <p>2018-2019 йиллар</p>	<p>Навоий вилояти ҳокимлиги</p> <p>Навоий вилояти ҳокимлиги</p> <p>Навоий вилояти ҳокимлиги</p> <p>Молия вазирлиги</p> <p>Навоий вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги</p>
2	Мажмуа ҳудудидаги бузилиши белгиланган кўчмас мулк	1. Намунавий лойиҳалар асосида талаб этиладиган қурилиш	Уй-жой эгаларининг	Ҳисоб-китобларга	1 декабрь 2017 й.	Навоий вилояти ҳокимлиги

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбалари	Қиймати, млн.сўм	Амалга ошириш муддати	Бажариш учун масъуллар
	объектлари эгалари бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга тартибга солинадиган нархлар асосида ажратилган цемент, металл прокати, ойна ва шифер материалларини етказиб бериш.	материаллари сарфи ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш. 2. Вазирлар Маҳкамасига асосланган ҳисоб-китобларни тақдим этиш. 3. Манфаатдор вазирликларнинг хулосаси асосида қурилиш материаллари ажратишга рухсат бериш.	маблағлари ҳисобидан	асосан	1 декабрь 2017 й. 1 март 2018 й.	Навоий вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ
3	Мажмуа ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун “3D” форматда ишлаб чиқиладиган бош режага мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ва лойиҳа-олди ҳужжатларини тайёрлаш.	1. Лойиҳалаштириш (лойиҳаолди) ишларини молиялаштириш. 2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш.	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 ноябрь 2017 й. 1 декабрь 2017 й. 1 январь 2018 й.	Навоий вилояти ҳокимлиги “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
4	Мажмуага кириш қисми (таркибида 70 ўринли конференция зали ва кутубхона) биносини қуриш.	1. Амалга ошириладиган ишларни молиялаштириш. 2. Конференция зали ва кутубхона биносини қуриш.	Ўзбекистон Республикаси бюджетининг марказлаштирилган инвестициялари ҳисобидан	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 октябрь 2018 й. 1 сентябрь 2018 й.	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
5	Мажмуа ҳудудидаги булоқ ва ундан тарқалувчи ариқларни ён деворларини миллий архитектура талаблари асосида реконструкция қилиш.	1. Амалга ошириладиган ишларни молиялаштириш. 2. Реконструкция ишларини амалга ошириш.	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 июль 2018 й. 1 июнь 2018 й.	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбалари	Қиймати, млн.сўм	Амалга ошириш муддати	Бажариш учун масъуллар
6	Мажмуа ҳудудида зиёратчилар ва туристларга қулайликлар яратиш мақсадида миллий андозалар асосида айвон қуриш.	1. Амалга ошириладиган ишларни молиялаштириш. 2. Миллий андозалар асосида айвон қуриш.	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 июль 2018 й. 1 июнь 2018 й.	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
7	Мажмуа ҳудудида замонавий савдо, хизмат кўрсатиш ва миллий хунармандчилик объектларини барпо этиш мақсадида лойиҳа ташаббускорларига имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш.	1. Лойиҳа ташаббускорлари рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган лойиҳалар бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 1. Белгиланган муддатларда талаб этиладиган йўналиш ва миқдорларда тижорат банклари орқали кредит маблағлари ажратишни таъминлаш.	Тижорат банклари имтиёзли кредитлари	Ҳисоб-китобларга асосан	1 декабрь 2017 й. 1 январь 2018 й. 2018-2019 йиллар	Навоий вилояти ҳокимлиги Навоий вилоят ҳокимлиги Марказий банк, тижорат банклари, Навоий вилоят ҳокимлиги
8	Мажмуа таркибига кирувчи Шайх Абу Ҳасан Нурий қабрини мақбара ҳолатига келтириш.	1. Мақбара лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишиш. 2. Лойиҳа асосида реконструкция ишларини амалга ошириш.	Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси маблағлари	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 апрель 2018 й. 1 август 2019 й.	Маданият вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбалари	Қиймати, млн.сўм	Амалга ошириш муддати	Бажариш учун масъуллар
9	Мажмуа таркибига кирувчи “Панжвақта” ва “Чилустун” жоме масжидларини жорий таъмирлаш.	1. Жоме масжидларини таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ҳузуридаги Муқаддас кадамжоларни сақлаш ва обод этиш жамғармаси маблағлари	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 январь 2018 й. 1 январь 2019 й.	Дин ишлари қўмитаси, Давлат архитектура ва қурлиш қўмитаси Дин ишлари қўмитаси, Давлат архитектура ва қурлиш қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги
10	Мажмуа таркибига кирувчи музей биноси қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва инвестиция дастурига киритиш.	1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Ўзбекистон Республикаси 2018 йилги Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш. 3. Инвестиция дастури доирасида музей биносини қуриш.	Республика бюджети маблағлари	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 март 2018 й. 1 декабрь 2017 й. 1 октябрь 2019 й.	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги
11	Мажмуа атрофидаги бузиладиган кўчмас мулк объектлари ўрнида автотураргоҳлар қуриш. Миллий услубдаги замонавий архитектура талаблари асосида қуриладиган	1. Қуриладиган автотураргоҳлар уй-жойлар, меҳмонхона, савдо, хизмат кўрсатиш ва хунармандчилик объектларининг лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш.	Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 март 2018 й.	Навоий вилояти ҳокимлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбалари	Қиймати, млн.сўм	Амалга ошириш муддати	Бажариш учун масъуллар
	шахсий уй-жойлар негизда меҳмонхона, савдо, сервис хизматлари кўрсатиш, хунармандчилик объектларини ташкил этиш.	<p>2. Нурота шаҳрининг бош режаси ва меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ Мажмуа худудида ташкил этиладиган савдо, хизмат кўрсатиш ва хунармандчилик объектларини куриш учун тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини истисно тариқасида тўғридан-тўғри ажратиш.</p> <p>3. Лойиҳа асосида курилиш ишларини ташкил қилиш.</p> <p>4. Мажмуа ва унинг атрофида барпо этилиши назарда тутилган кўчмас мулк объектларини зарур инфратузилма (газ, электр энергия ва ичимлик сув) билан тامينлаш.</p>	Хизмат кўрсатувчи корхоналар маблағлари, Республика бюджети маблағлари	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 апрель 2018 й. 1 апрель 2018 й. 1 июль 2019 й.	Навоий вилояти ҳокимлиги, Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси Навоий вилояти ҳокимлиги, Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси “Ўзтрансгаз” АЖ “Ўзбекэнерго” АЖ, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
12	Мажмуа худудида локал оқова сув тизимини ташкил қилиш.	<p>1. Локал оқова сув тизимини ташкил қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Лойиҳа - смета ҳужжатлари асосида курилиш ишларини амалга ошириш.</p>	“Тоза ичимлик суви” жамғармаси маблағлари ҳисобидан	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	1 март 2018 й. 1 октябрь 2018 й.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
13	Мажмуа худудидан ўтувчи С.Сиддиқов кўчасини реконструкция қилиш ва янгидан	1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	Республика йўл жамғармаси	Лойиҳа-смета ҳужжатлари	1 декабрь 2017 й.	Навоий вилояти ҳокимлиги

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбалари	Қиймати, млн.сўм	Амалга ошириш муддати	Бажариш учун масъуллар
	қуриш.	<p>2. Йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш.</p> <p>3. Инвестиция дастури асосида йўл қурилиши ишларини амалга ошириш.</p>	маблағлари	асосида	<p>1 декабрь 2017 й.</p> <p>1 октябрь 2018 й.</p>	<p>Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика йўл жамғармаси</p> <p>Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>
14	“Нур” қалъаси тепалигида оптик ускуналар билан жиҳозланган кузатув майдончаси ва унга чиқиш йўлакларини қуриш.	<p>1. Лойиҳа ташаббускорини аниқлаш.</p> <p>3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Кузатув майдончаси қурилишини амалга ошириш.</p>	Маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари	Лойиҳа-смета хужжатлари асосида	<p>1 ноябрь 2017 й.</p> <p>1 декабрь 2017 й.</p> <p>1 июль 2018 й.</p>	<p>Навоий вилояти ҳокимлиги</p> <p>Навоий вилояти ҳокимлиги</p> <p>Навоий вилояти ҳокимлиги лойиҳа ташаббускорлари</p>

